



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2021 йил 29 сентябрь, № 208 (7988) Чоршанба

Сайтимишга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## «ОЛТИН ВОДИЙ ГАВҲАРИ» — ФАРҒОНАДА ХАЛҚИМИЗ БИЗДАН ЯНАДА БУЮК ИШЛАРНИ КУТЯПТИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги бунёдкорлик ишлари, маҳаллалар ҳаёти билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 28 сентябрь куни Фарғона вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Бағдод туманига келди.

Туманда 218 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Узок вақт қурилишга эътибор бўлмагани туфайли одамларнинг уй-жойга эҳтиёжи юқори эди. Шу боис охириги йилларда бу ерда урлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Жумладан, тумanning Гулистон маҳалласида ўтган йили 7 та кўп қаватли уй қурилган эди. Бу йил 61 та шундай тураржой барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги бунёдкорлик ишларини кўздан кечириди.

Маҳаллада инсонлар учун керакли ҳамма ижтимоий объектлар қўлай жойлашган. Фуқаролар йиғини биноси, ёшлар учун қоворикнинг маркази, савдо ва машиини хизмат мажмуаси ёнмаён. 420 ўринли мактаб, 150 ўринли боғча, оилавий поликлиника, маданият уйи, спорт мажмуаси барпо этилган.

Кўп қаватли уйлар олдига болалар майдончалари ташкил қилинган.

Худуд замонавий инфратузилма билан таъминланган. Ички йўллар асфальтланган, атроф обдонлаштирилмоқда.

Гулистонликлар тадбиркорлик, паррандачилик ва деҳқончилик билан шуғулланибди. Маҳалла ақинидаги кичик саноат зонаси, юз гектардан зиёд иссиқхоналар бунинг учун қўлай шaroит яратган. Уйма-уй юриб, муаммоларни ўрганилиши натижасида 205 нафар ишсиз фуқаро кичик саноат зонасига, юзлаб ёшлар иссиқхона мажмуасига ишга жойлаштирилган.

Президент шу ерда маҳалла фаоллари, бағдодлик нуронийлар билан суҳбатлашди.

— Худудларимиз шундай ривожланаётгани, одамлар уйли, ишла бўлаётганини кўриш мурасандчилик бағишлайди. "Муосир бўлмаганча мусулмон бўлмас", деган гап бор халқимизда. Узим ҳам кўп йиллар мусофирчиликда яшаб, ишлаб, уйсиз-

лик азобини хис қилганман. Ҳозир ҳам одамларнинг муаммосини юрагимдан ўтказиб, уларга ечим топиш учун ўзимни қийнаётман. Шунинг учун ҳамма жойда уйлар қураётимиз, мамлакатимиздаги ҳар бир оила уйли-жойли бўлсин, деб ҳаракат қилаяпмиз. Фуқаролар манфаати — mening манфаатим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари маҳалладаги янги уйлардан бирига кўчиб келган Абдуқаҳор ота ва Ойзода ая хонадонини кўрди. Улар тўрт фарзандни тарбиялаб, воғна етказган.

Кўпни кўрган бу инсонлар билан ёшлар тарбияси, бугунги таълим ва тадбиркорлик имкониятлари, тинчлик ва шукроналиқнинг аҳамияти ҳақида самимий суҳбат бўлди.

Ушбу маҳалла намунаси асосида, Ёзёвон, Олтиариқ ва Фарғона туманларида ҳам 4-5 минг хонадонли "йўлдош" шаҳарчалар бунёд этиш мақсадида мувофиқлиги таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев Бағдод туманида Фарғона вилояти сайловчилари билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари Бағдод туманининг Гулистон маҳалласида бунёд этилган Маданият марказида санъат намояндалари билан суҳбатлашди.

— Иқтисодиёт билан бирга маданиятни ривожлантиришга ҳам ҳаракат қилаяпмиз. Фарғона азалдан санъаткорлар Ватани бўлиб келган. Қўқон театри таъмирланиб, замонавий шaroитлар яратилгани, улғу адиб ва санъаткорлар хотирасига бағишлаб музей ва мактаблар ташкил этилгани хайрли бўлди. Бугун сайловчилар билан учрашувда Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат, Ашурали Зоҳирий, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номини абадийлаштириш, Санъаткорлар хйёбонини барпо этиш, умуман, вилоятда маданиятни ривожлантириш бўйича кўп қилар билдирдим. Агар сизлар қўллаб-қувватлаб, ўз хиссангизни қўшсангиз, бу санъат ривож-

га, ёшлар тарбиясига хизмат қилади, деб ўйлайман, — деди давлатимиз раҳбари.

Қўқон театрида адабий муҳитни яхшилаш, пойтахтдан истеъдодли режиссёрларни жалб қилиб, асарлар савиясини ошириш муҳимлиги таъкидланди. Фарғона дорбозлик ва аскиячилик аъёнларини давом эттириш учун Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида алоҳида бўлим ташкил этиш таклифи билдирилди.

Президент шу маҳалладаги иссиқхона ҳам бориб кўрди. Бу ерда "ёшлар дафтари"га кирган 500 нафар йигит-қиз иш билан таъминланган.

Давлатимиз раҳбари уларнинг деҳқончилиги, даромади, режалари билан қизиқди. Ёшлар иссиқхонада, асосан, лимончилик билан шуғулланаётгани, қатор ораларига бодринг, помидор, қалампир, сабзавотлар экиб, даромад олаётгани, бунинг самарасида оиласи "ёшлар дафтари"дан чиққани ҳақида сўзлаб берди.

Ёш тадбиркор Зулхумор Мамажонова оиласига маҳалла худудидида қурилган уйлардан бепул хонадон ажратилгани, иссиқхонадан олаётган даромади орқали келгусида ёшларни тадбиркорликка ўргатиш ниятида эканини айтиб, Президентга миннатдорлик билдирди.

— Ерга муносабат ўзгаргачи, ҳаракат қилсақ, натижа бўлади. Бу сизларга кичик бўлса ҳам, бир имконият. Хали яна иссиқхоналар қурилади, қўллаб қорғоналар ташкил этилмай, уларга сизларга ўшаган меҳнатқаш, билимли ёшлар керак. Ҳеч қачон изланмишдан, ўрганишдан тўхтамангиз. Ёшларнинг билим олиши учун Фарғонада қўшимча имкониятлар яратилиши, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент Шавкат Мирзиёев Қўштепа туманига бориб, ўзани томчилик сугориш технологиясини кўздан кечириди.

Марказий Фарғона ерларида деҳқончилик қилиш — машаққат. Айниқса, Қўштепа туманининг қарийб 70 фоиз худуди унумдорлиги паст ерлар. Шу сабабли қишлоқ ҳўжалигида қўзланган натижаларга эришилмас эди.

Давлатимиз раҳбари 2019 йилда Фарғона вилоятига ташрифи чоғида бундай майдонларда томчилик сугоришни жорий этиш бўйича қўрсатма берган эди.

Бугунги кунда "Fergana Global textile" пахта-тўқимачилик кластери томонидан Исроилинг "Netafim" компанияси билан ҳамкорликда шундай лойиҳа амалга оширилмоқда.

Биринчи босқичда 215 гектар ерда томчилик сугориш жорий этилди. Бунинг учун 17 минг куб метр сугориш эга сунъий ҳовуз қурилиб, 3 та тик қудук қазилди. 520 минг долларлик замонавий ускуналар келтириб ўрнатилди. Мазкур технология ёрдамида бир вақтнинг ўзида 60 гектар пахта майдонини сугориш мумкин.

Самарадорлик яхши бўлмоқда. Масалан, сув, ўғит ва ёнигли сарфи икки баравар, механизация жараёни тўқуз мартага камайган. Бу тизимни самарали ишлатиш учун 10 нафар ёш агроном ўқутилган.

Президентимиз томчилик сугориш жараёнини кўздан кечириб, мутахассислар билан мулоқот қилди.

— Бу худуднинг туپроғи қўлмоқ, сув доим танқис. Лекин авваллари бу ерда ҳам бошқа жойлар билан бир хил иш услуби бўлган. Шунинг учун туманда қишлоқ ҳўжалиги рентабел эмасди. Масалан, пахтадан 10 — 12 центнер ҳосил олинар эди. Мана, бу йил 45 центнер бўлиши кутиляпти экан. Булар — илм билан ёндашиш самараси. Қилса бўлар экан-ку, — деди Президент.

Лойиҳанинг иккинчи босқичида 1 млн 200 гектар майдонда томчилик сугоришни жорий этиш белгиланган.

Мутахассислар фикрича, ушбу технология икки мавсумда харажатларини тўлиқ қоплайди.

Шу ернинг ўзида давлатимиз раҳбари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Қўштепа туманидаги Намуна маҳалласида бўлиб, аҳоли ҳаёти билан танишди.

Халқимизнинг миллий деҳқончилик маданияти, қадриятларидан бири — узумчилик. Айниқса, Фарғона водийсида деярли ҳар бир кўчада, хонадонда ток бор.

Намуна маҳалласида ҳам шундай. Ақсарият оилаларнинг асосий даромади узумчиликдан. Шунингдек, намуналиқлар мебеласозлик, дўппидўзлик, чеварлик, чорвачилик, асаларичилик ва кўён боқиш билан шуғулланади. Маҳаллада уч мингдан ортиқ аҳоли истикомат қилади.

Шавкат Мирзиёев шу ерлик Жумабой Исмомов хонадонидида меҳмон бўлди.

Оила бошлиғи уста деҳқон. Турмуш ўртоғи Фотима ая тикувчи. Улар катта фарзандларини уй-жойли қилгани, ўз уйида ишлаб, қўшимча даромад топаётгани ҳақида сўзлади. 15 сотих томорқада 100 туп узум ва бошқа мевали дарахтлар экилган. Ўтган йили биргина узумнинг ўзидан 21 миллион сўм даромад олинган.

Президент келгусида маҳалла тизимига янада кенг имкониятлар берилиши, бу жойлардаги муаммоларни манзилли ҳал этиш ва аҳолини ижтимоий ҳўмон қилишда муҳим омили бўлишини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Фарғона вилоятига ташрифини ақунлаб, Андижонга жўнаб кетди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ, Авзбек ХУДОЙҚУЛОВ, Зибдулла ЖОНИБЕКОВ, ЎЗА МУХБИРЛАРИ.



Сайловолди ташвиқоти доирасида газетамизнинг бугунги сониди Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Мақсуда Ворисованинг Сайловолди дастуридан ўрин олган ижтимоий тенглик ҳамда халқ демократияси мезонларига мос келадиган давлат ва жамият барпо этиш ҳамда бошқа устувор йўналишлар бўйича ташаббусларига доир мақолалар чоп этилмоқда.

Мазкур мақолалар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинапти.

2-саҳифага қаранг. >>>

## КИМДИР САЙЛОВДА ҚАТНАШМАСА, ЎЗИ ИСТАГАН НОМЗОДГА ОВОЗ БЕРМАСА, У ЮТҚАЗАДИ

Шу йилнинг 24 октябры куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида пухта тайёргарлик қўрилмоқда. Сайлов мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлиб, давлат ва жамият ҳаётининг кейинги ривожланишини белгилашда катта аҳамиятга эга.

Хўш, бу сафарги сайловда фуқароларимизнинг фаоллиги қай даражада бўлади? Ҳозирги сайлов тарғиботи даври ҳамда сиёсий партиялар фаоллиги қандай баҳоланмоқда?

Мухбиримиз шулар ҳусусида, умуман, муҳим сиёсий жараённинг бориши ҳақида эксперт, юридик фанлар доктори, профессор, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти директори ўринбосари Абдулазиз Расулев билан суҳбатлашди.

— Бу йил Президент сайлови биринчи марта Сайлов кодекси асосида ўтказилади. Янги сайлов қонунчилигини мақсуд мазкур соҳадаги халқаро мезон ҳамда нормалар қанчалик ўз аксини топган?

— Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг миллий сайлов қонунчилиги бутунлай янги сифат босқичига кўтарилгани кўп қилган халқаро ва миллий экспертлар томонидан турли халқаро тадбирлар давомида ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали эътироф этилмоқда.

Жумладан, Сайлов кодекси эллидан ортиқ ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси, бу соҳадаги илмий тадқиқотлар натижалари, ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси, Венеция комиссияси сингари нуфузли иштирослаштирилган халқаро ташкилотлар томонидан билдирилган тавсияларни ҳисобга олган ҳолда тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси бугун — 2021 йил 29 сентябрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида видеоконференцалоқа тарзида ўз ишини бошлади.

## МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ТАДБИРКОР АЁЛЛАР ЎРТАСИДА ШЕРИКЛИК АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАШДА

Бугунги кунда хотин-қизларнинг тадбиркорлик соҳасида тугган ўрни тобора юксалиб борапти. Бу беҳиз эмас. Табиатан ишбилармон опа-сингилларимиз шу салоҳияти боис бизнес йўналишида ҳам юқори марраларни забт этишга эҳтиёж ҳеч кимга сир эмас. Маълумотларга кўра, уларнинг раҳбарлик лавозимларида ишлаши компаниялар иқтисодий муваффақиятига, бизнесни бошқаришга ҳамда унинг молиявий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади.

### Мулоқот

Бу борада, шубҳасиз, турли давлатлар аёл тадбиркорлари ўртасида ташкил этилаётган учрашув ва тадбирларнинг аҳамияти катта. Марказий Осий етакчи аёллари мулоқоти доирасида, "В2В" учрашувлари форматида, онлайн тарзда минтақавий тадбиркор аёллари ўртасида жорий йил 28 — 30 сентябрь кунлари ўтказилаётган Кооперацион биржа ҳам ана шу мақсадга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир.

Тадбир БМТ Тараққиёт дастурининг юртимиздаги ваколатхонаси ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан биргаликда ташкил этилди. У Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон тадбиркор аёллари ўртасида тўғридан-тўғри

тўғри алоқа ўрнатиш, ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашнинг мақсад қилган.

Тадбир очилишида Олий Мажлиси Сенати Раиси, Марказий Осий етакчи аёллари мулоқоти Раиси Танзила Норбоева ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоты Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Матилда Димовска қатнашди ва нутқ сўзлади.

Т. Норбоева Марказий Осий тадбиркор аёлларини бизнес атрофида бирлаштириш, уларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистонда аёлларга яратилган шарт-шaroитлар ва қўшни давлатлардаги тадбиркор аёллар билан йўлга қўйилаётган янги ҳамкорлик ишларига алоҳида дўхталиб ўтди.

### Қонун лойиҳаси — муҳокамада

## НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ РАВНАҚИ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТ ЯРАТИЛАДИ

Бугунги кунда мамлакатимизда жами 134 та нобанк кредит ташкилоти фаолият юритмоқда. Лекин ушбу фаолият соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи, тўғридан-тўғри амал қилувчи нормаларни ўз ичига олган яхлит қонун ҳужжати мавжуд эмас.

Айни вақтда қўйи палатада иккинчи ўқишга тайёрланаётган "Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаш фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси тўғрисида тўғри амал қилувчи нормаларни ўз ичига олган ва илгор хорижий тажриба, умумэътироф этилган стандартлар асосида Жаҳон банки экспертлари билан биргаликда ишлаб чиқилган.

Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ис-

лохотлар қўмитаси томонидан ўтказилган ишчи гуруҳ йиғилиши мазкур қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланди.

Ҳозирги кунда иккинчи ўқишга тайёрланаётган қонун лойиҳасида нобанк кредит ташкилотларини ташкил этишга қўйилаётган талаблар, жумладан, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, муассислари ва иштрокчилари устав фондига қўйилган талаблар белгиланмоқда.

3

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгазининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгазининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисини 2021 йил 29 сентябрь куни қақриш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилаётган ялпи мажлисида "Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида"ги, "Давлат боғжона хизмати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республика-

сида коррупцияга қарши курашиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Фарзандлик олиш тартибининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар қўриб чиқилиши режалаштирилган.

Қолаверса, Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2021 йил биринчи ярим йиллик яқунлари бўйича ижроси ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимининг худудларни ривожлантириш ҳақидаги ҳисоботлари, Ипакчилик ва жун саноатини ри-

вожлантириш қўмитаси раисининг фаолияти тўғрисидаги ахборот эшитилиши назарда тутилган.

Шунингдек, таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлашдаги долзарб муаммолар юзасидан ҳўқуматга йўборилган парламент сўрови натижалари, Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2020 йилдаги ва 2021 йилнинг ўтган давридаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳамда бошқа масалалар кўриб чиқилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.

## 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

# ИНСОН КАМОЛОТИНИНГ МЕЪМОРИ

Жамиятнинг бугуни ва келажаги, унинг маънавий-маърифий салоҳияти таълим тизимининг қай даражада ривожлангани билан белгиланади. Бу йўналишдаги ислохотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, ўқувчи ва мураббийларга боғлиқ. Шу сабабли мамлакатимизда ўқитувчилар меҳнати ҳаммиса қадрланади, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатилади.

Кейинги йилларда юртимизда таълим тизимини жаҳон андозалари асосида ислох қилиш, илм масканлари қуриш, уларни замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш ишлари янги суръат билан давом эттирилмоқда. Бу нафақат таълим тизими ривожига, балки бугун халқ ва Ўзбекистон эртасига берилаётган юксак эътибор намунаси, десак, адашмаган бўламиз.

### «Агар устоз рози — Тангри розидур»

Одам туғилиши, кўз очиб ёруғ дунёни кўриши билан инсон деган олий мақомга эриша олмайди, қачонки, киши қалбдан ва руҳдан камолга етса, маънан шаклланса, ўз фикри, дунёқарашини, сўзи ҳамда амали билан ён-атрофдигиларга наф бера олсагина уни ҳақиқий инсон деб аташимиз мумкин. Демак, бу йўлда бизга яқиндан ёрдам берадиган, тўғри йўл кўрсатидиган, қисқача айтганда, «йўлчирик» бўла оладиган инсон бу

— устоздур. Устозни рози қилиш, унинг ишончини оқлаш эса ҳар кимнинг бурчи саналади.

"Агар шогирд шайхулислом, агар қозидур, Агар устоз рози — Тангри розидур", дея лутф айлайди буюк мутафаккир бобомиз, улкан қалб соҳиб Алишер Навоий. Юқоридида байт шоир томонидан беҳиз битилмаган, ҳали устозларимиз олдида хатто биз билмаган қарзларимиз кўп эканидан далолатдир.

4



# ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – УСТУВОР МАҚСАДИМИЗ



BARCAGA G'AMXO'RLIK - DAVLATNING BURCHI!

TANLOVDA ADASHMANG!



## ЧЕТ ЭЛДА МЕХНАТ ҚИЛИШ КУЧЛИ КАФОЛАТЛАНИШИ ШАРТ

**РИВОЖЛАНИШ БОСКИЧИДА БЎЛГАН КЎПГИНА ДАВЛАТЛАР АҲОЛИСИНИНГ СЕЗИЛАРЛИ ҚИСМИНИ МЕХНАТ МИГРАНТЛАРИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ИШГА ЭҲТИЁЖИ БОР ШУ КАБИ АҲОЛИНИНГ КАТТА ҚИСМИ ҲАМ ХОРИЖДА МЕХНАТ ҚИЛМОҚДА.**

Айни пайтда мамлакат ичида ишчиларга етарли иш ўринлари яратиб беришга имкон мавжуд эканини ҳисобга олган ҳолда, хорижда меҳнат қилаётган ишчиларимизнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимояси давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири бўлиши лозим.

Барчамизга маълумки, сўнгги йилларда меҳнат мигрантларининг юридик ҳимоясини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон томонидан хорижий давлатлар билан меҳнат фаолияти ва меҳнат мигрантларининг ижтимоий ҳама меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида ўзаро фойдали қатор битим ва келишувлар имзоланган.

Ҳукумат томонидан бу борада бир қанча ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Лекин бу ҳали етарли дегани эмас. Негаки, оммавий ахборот воситалари ёки ижтимоий тармоқларда хорижда меҳнат қилаётган ишчиларимизнинг ҳуқуқи бузилаётганига тез-тез гувоҳ бўляпмиз.

Хўш, хорижда меҳнат қилиши даврида зўравонлик, мажбурий меҳнат ва камситишдан жабрланган, ҳуқуқлари бузилган, оғир молиявий аҳволга тушган, меҳнат миграцияси даврида жараҳатланган фуқароларга қандай ёрдам бериш мумкин? Албатта, бу жиддий ўйлаш керак бўлган масала. Шунинг ҳам айтаётган бўлса, мамлакатимизда юқоридаги ҳолатларга дуч келган меҳнат мигрантлари кўмак беришга масъул Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси ҳамда Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик масалалари департаменти мавжуд. Бирок бу ташкилотларнинг айни соҳада олиб бораётган ишлари сезиларли натижа бермапти.

Чет элда меҳнат қилаётган мигрантларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича куйидагиларни амалга ошириш мақсада мувофиқ, деб биламиз.

Биринчидан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги мазкур жамғарма ҳамда департаментнинг олдига қўйилган вазифаларни бажариши устидан давлатнинг ва жамоатчиликнинг қатъий назоратини ўрнатиш. Уларнинг бажарган ишлари юзасидан ҳар ой оммавий ахборот воситалари вакилларида маълумот беришини ташкил этиш.

Иккинчидан, мамлакатимизнинг хориждаги, айнан ўзбек меҳнат мигрантлари кўп борадиган давлатлардаги элчионалари, консулликлари, ваколатхоналари қолдириш ва жамоатчиликнинг қатъий назоратини ўрнатиш. Уларнинг бажарган ишлари юзасидан ҳар ой оммавий ахборот воситалари вакилларида маълумот беришини ташкил этиш.

Учинчидан, чет элда меҳнат қилаётган мигрантлари қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган концепция ишлаб чиқиши зарур. Концепция ўз доирасида дунёнинг ҳар бир бурчадаги меҳнат қилаётган мамлакатимиз фуқароларининг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашни ўз ичига олиши керак. Шунингдек, концепцияга миграция масалаларига масъул ташкилот ва идора вакиллари билан ҳар чоракда хориждаги ўзбек мигрантлари билан учрашувини ўтказиш режаси ҳам киритилиши лозим.

Ўйлаймики, юқорида қайд этиб ўтилган вазифаларни амалга ошириш чет элда меҳнат қилаётган ишчиларимиз ҳолатини ижобий томонга ўзгартиради.

## АҲОЛИНИ ҲАР ЙИЛИ БЕПУЛ ТИББИЙ КЎРИҚДАН ЎТКАЗИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШГА ЭРИШИШ ЛОЗИМ

**ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ЮКСАЛТИРИШГА ҲАМ СОҒЛИКНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДАГИ ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСАЛАР МАСЪУЛ ҲИСОБЛАНАДИ.**

Ривожланган давлатларда инсон саломатлигига биринчи даражали масала сифатида эътибор берилди. Негаки, ҳар қандай мамлакатнинг энг катта бойлиги бу унинг халқидир. Қаердаки, одамлар соғлом бўлса, улар турли соҳалар ривожига ҳисса қўшади ва бу мамлакат учун улкан фойда сифатида баҳоланади. Шу сабабли давлатимизда одамларнинг соғлиқ-саломатлигини авайлаш мақсадида аҳолини ҳар йили бепул тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил этиш лозим.

Бу орқали ўз вақтида аниқланмай, вақти ўтгач ҳеч бир илжасиз вафот этаётган инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш мумкин.

Ваҳоланки, мутахассислар фикрига кўра ўз вақтида аниқланган ҳар қандай касалликни даволаш мумкин. Агар ўша касалликлар вақтида аниқланса, бемор учун ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан фойдали бўлади. Хўш, одамларда тиббий маданият етишмас экан, уларнинг ўзи бориб шифокорга кўришни истамас экан, ҳар йили ўтказиладиган бепул тиббий кўриқни уюштиришни кечиктирмасдан бошлаш зарур.

Бу ишни, асосан, оилавий поликлиникалар фаолиятдан фойдаланган ҳолда, шунингдек, узоқ ҳудудлардаги аҳоли масканларига кўчма тиббий кўриқ гуруҳларини юбориш орқали амалга ошириш мумкин. Шу ўринда айтаётган бўлса, оилавий поликлиникаларнинг бирламчи вазифаси касаллик профилактикаси ҳамда аниқланган хасталикни даволаш, дард асоратининг олдини олиш ҳисобланади.

Яна шунинг таъкидлаш жоизки, одамларимизда ўз соғлиғига жавобгарлик ҳиссини кучайтириш учун тиббий маданиятни тарғиб қилишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ этиш лозим. Бу ҳам юқорида қайд этганимиздек, соғлиқни сақлаш тизимининг вазифалари сирасига қиради. Бунда тарғиботда, аввало, оммавий ахборот воситаларини, инчунин, аҳолининг кўплаб қисми фойдаланадиган телевидение ва радиони жалб этиш яхши натижа беради.

Фикр билдириладиган мавзуга оид яна шунинг ҳам қўшимча сифатида айтаётган бўлса, шунингдек, узоқ кунларда коронавирусга қарши вакцинация олиб борилмоқда. Бу ҳам тиббий профилактиканинг бир туридир. Мутахассислар фикрича, эмланган инсон умуман касалликка чалинмайди ёки юктирган тақдирда ҳам энгил шаклда ўтказилади. Бу, албатта, аҳоли саломатлигини сақлашда муҳим омил ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шунинг таъкидлашимиз мумкинки, аҳолини ҳар йили бепул тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил этиш бевосита мамлакат тараққиётига хизмат қилади.

## ТАЪЛИМДА БАРЧА УЧУН ТЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИШ МАСАЛАСИ

**МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИДА БИР НЕЧТА ТАЯНЧ НУҚТАЛАР ЭТАДИ. ШУЛАРДАН ЭНГ АВВАЛИ — ТАЪЛИМ-ТАРБИЯДИР. ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР ЮҚОРИ БЎЛГАН, БИЛИМ ОЛИШ КАДРИЯТ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛГАН ЖАМИЯТ ДОИМО ОЛДИНГА ОДИМЛАЙДИ. БУНИ ЯПОНИЯ, ЖАНУБИЙ КОРЕЯ, ИСРОИЛ КАБИ ДАВЛАТЛАР МИСОЛДА ЯҚҚОЛ КЎРИШ МУМКИН.**

Мустақил Ўзбекистонда узлуқсиз таълим тизими яратилган. Унинг ўн бир йили барча учун мажбурий ва бепул ҳисобланади. Бу жиҳатдан ҳеч муболағасиз дунёга ўрнакми. Зотан, бугунги кунда жаҳондаги барча ҳукуматлар ҳам ўз фуқароларини мактаб таълими билан тўлиқ қамраб ололгани йўқ. Баъзи юртларда болалар, ҳатто бепул бошланғич таълим олиш бахтидан мосуво этилган. Бундай нотенглик Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида ечим изланаётган глобал муаммолардан бири эканини ҳам эслатиш жоиз.

Албатта, ҳар қандай мавзуда мулоҳаза юритаётганда идеализмдан қочиб, вазиятга реал қараш самаралидир. Шунда эришилган ютуқларгина эмас, мавжуд муаммоларни ҳам тезда илғайсан, киши.

Энди ўзимизга савол бериб кўрайлик: ўтган давр мобайнида Ўзбекистон таълим соҳасида нечоғли илдамлади? Фикримизча, кўнгилни хотирлам қиладиган даражада эмас. Соҳада бажарилиши лозим бўлган ишлар кўп. Биргина мисол: 2021 йилга келиб,

мамлакатда мактабгача таълим билан қамров кўрсаткичи 60 фоизга етди. Тўрт йил олдин эса 30 фоиз эди. Ҳозир Ўзбекистонда мактабгача ёшдаги ўғил-қизларнинг аттиги ярми боғчага боради. Табиийки, уларнинг аксарияти шаҳарлик болалар. Пойтахт, вилоят ва туман марказларидан йироқ ҳудудларда боғчаларга талаб ҳамон юқориликча қолмоқда.

Бир неча йил аввал Ўзбекистонда хусусий ҳамда оилавий боғчалар очилган руҳсат берилди. Бу ниҳоятда тўғри қарор. Аммо қамров билан боғлиқ муаммони тўлиқ бартараф этиш учун шунинг ўзи кифоя эмас. Маълумки, тадбиркор қайси фаолият турига пул тикмасан, албатта, фойда олиш мақсадини кўзлайди.

Бу — бизнеснинг олтин қоидаси. Табиийки, хусусий мактабгача таълим муассасаларида хизмат сифатига яраша ҳақ олинади. Ҳозирча улардаги нарх-наво бирмунча қиммат. Шундай экан, хусусий боғчалар даромади нисбатан кам бўлган аҳоли яшайдиган ҳудудларда ўзини оқламайди. Демак, давлат

тадбиркорликнинг мазкур турини махсус имтиёзлар тизими орқали қўллаб-қувватлаши даркор. Хусусан, боғчалар қуриш учун фуқароларга ўзоқ муддатли, паст фойзлик ёки имтиёзли давр билан кредитлар ажратиш, давлат субсидиялари кўламини кенгайтириш, солиқ тўловларида энгилликлар яратиш айни мудида.

Юртимизда 18 ёшдан ошганлар сони 10 миллионга яқин. Мамлакатда 127 та олий ўқув юрти фаолият кўрсатмоқда. Уларга ажратилган қабул квотаси 200 мингтага ҳам етмайди. Бюджет ўринлари ниҳоятда кам.

Кўриб турганидек, Ўзбекистонда олий таълим билан қамров даражаси юқори эмас. Ҳар йили минглаб мактаб ва лицей битирувчилари олийгоҳларга киролмаслигининг асосий сабаби ҳам шунда.

Ҳукумат олий таълим муассасалари сонини муттасил равишда оширишга ҳаракат қилмоқда. Соҳада давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилган. Бундан ташқари, хорижий таълим даргоҳларининг филиалларини очилган кенг имконият берилди. Аммо шунда ҳам олий таълим билан қамровни ҳеч бўлмаганда 50 фоизга етказиш учун ҳали кўп ишларни амалга ошириш зарур.

Акс ҳолда бу ҳозирги интеллектуал салоҳият юқори аҳамиятга эга бўлган даврда мамлакатимизнинг рақобатбардошлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Вақтинчалик чора сифатида давлат олий ўқув юртларидаги бюджет ўринлари сонини кўпайтиришни таклиф қиламиз. Бу катта маблағни талаб қилса-да, лекин мамлакатдаги ижтимоий муҳитни барқарорлаштириш, жамият ривожига хизмат қиладиган инсон капиталини кўпайтиришга замин яратлади.

Таълимда аҳолининг барча қатламига тенг имкониятлар яратиш мақсадида олий ўқув юртларига қўйиладиган имтиёзлар тизимини жиддий ислоҳ этиш зарур. Имтиёзлар фақат республика ва халқаро фан олимпиадалари ғолиблари, шунингдек, ноғиронлиги бўлган шахслар учун (махсус шартлар асосида) қолдирилса, мантиқан тўғри бўлади.

Тўлов-шартнома миқдорини белгилашда ҳам аҳолининг реал даромадларини ҳисобга олиш айни мудида. Зотан, айрим абитуриентлар ота-онани шартнома пулини тўлашга қурби етмагани боис ўқини ташлаб кетаётганини биламиз.

Шунга мувофиқ, аҳолининг кам таъминланган қатлами учун ҳам мақбул келадиган таълим кредити линиясини ишлаб чиқиш, шартнома миқдорини қабул пайтигина эмас, балки ўқиш жараёнида ҳам дифференциаллаштириш мақсадаги мувофиқдир. Масалан, талаба ўқиш йилини аъло баҳоларга тугатса, бу унинг стипендиясига ҳам, шартнома миқдорига ҳам таъсир кўрсатсин. Шунда ёшларда илм олишга иштиёқ кучаяди, таълим сифати ортади.

## НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСТИДАН ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ҚАТЪИЙ НАЗОРАТИНИ ЎРНАТИШ ЗАРУР

**КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИДАН БИРИ, БУ БАРЧА СОҲАДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ ЎРНАТИЛГАНИДИР. ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ ФАОЛЛИГИ МАМЛАКАТДА ДЕМОКРАТИК АНЪАНАЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ. НЕГАКИ, ОДАМЛАР ЖАМОАТЧИЛИККА БИРЛАШИБ, ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРГА ЎЗ ТАЪСИРИНИ КЎРСАТАР ЭКАН, ДЕМОКРАТИЯ ҲАМ ШУ АСНОДА МУСТАҚҚАМЛАНА БОРАДИ.**

Жамоатчилик назоратининг аҳамияти ривожланаётган мамлакатлар ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Шу каби давлатимизда ҳам йилдан-йилга жамоатчилик назорати шаклланиб, ўзининг янги босқичларига кўтарилди. Бунга кўплаб мисолларни келтиришимиз мумкин. Масалан, бирон давлат идораси ё хизматчисининг ўз иштини масъулият билан бажармагани устидан фуқаролар жа-

моатчилик нормалари асосида назорат ўрнатиб, ижобий натижаларга эришяётганига кўп гувоҳ бўляпмиз. Шунлар қаторида нархларнинг сунъий оширилиши юзасидан ҳам жамоатчилик назорати шаклланиб, Лекин кўччилик одамлар бу каби ҳолатларга бепарво муносабатда бўлади. Фаол бўлиб, жамоатчилик назоратини ўрнатганларга эса баъзи ҳолларда масъуллар томонидан тазйиқлар ўтқа-

зилиши ҳолатлари ҳам учрайди. Бундай ҳолатлар юзага келмаслиги учун давлатнинг ўзи нархларни шакллантириш устидан дастлабки назоратни ўрнатиши лозим. Ундан кейин жамоатчилик назорати тўғрисидаги ҳам ўз назоратини ўрнатиб боради.

Юқорида қайд этиб ўтилган бундай ҳолатларга бепарво одамларни ҳам жамоатчилик назорати доирасига қўриб олиш зарур. Шунингдек, нархларнинг тез-тез сунъий ошириш мамлакатнинг иқтисодий сиёсати ҳам жиддий ҳавф тугдирди. Бу эса инфляциянинг кучайишига, мамлакат иқтисодиётининг турғунлашувига сабаб бўлади. Агар нархлар шаклланиши устидан давлат ва жамоатчилик қатъий назорат ўрнатса, бу давлат учун ҳам, фуқаролар учун иқтисодий наф келтиради.

Шунинг ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, ўтган йили пандемия авжига чиққан пайтда бир қанча жамоат ташкилотлари ички бозорларда сотилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматлар нархларининг асоссиз равиш-

да ошиб кетишининг олдини олиш учун жойларда “Жамоатчилик назорати” ишчи гуруҳларини ташкил қилишди. Унга кўплаб тажрибали мутахассислар жалб этилиб, бозор ва савдо шохобчаларидаги нарх-навога оид кунлик маълумотлар умумлаштирилган ҳолда ваколатли масъул давлат органларига тақдим қилиб турилди ва бу фаолият давом этмоқда.

Эътиборли жиҳати, айни шу жамоатчилик назорати сабаб тиббий ниқоб, антисептик воситалар, вилоятлараро қатновчи таксиларнинг асоссиз оширилган нархлари тартибга солинишига эришилди. Шунингдек, жамоатчилик назорати таҳлилларига асосан, ҳукуматга фуқароларнинг ўткир эҳтиёжи мавжуд бўлган маҳсулот ва хизматлар юзасидан ахборот қилиб берилмоқда.

Эришилган ва эришилаётган натижалар оид эмас, шу сабабли нархларнинг шакллантирилиши устидан қатъий жамоатчилик назоратини ўрнатиш жуда катта аҳамият касб этади.

Материаллар Ўзбекистон ХДП Ахборот хизмати томонидан тайёрланди.



